

Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража

Стратегик бошқарув ва лидерлик

соҳаси бўйича

Профессионал Диплом

11-модул: Самарали жамоа орқали стратегияни амалга
ошириш

Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



Edexcel, BTEC ва LCCI малакалари

Edexcel, BTEC ва LCCI малакалари бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

Pearson ҳақида

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги лидер ўқитиш берувчи компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).

Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.

ISBN 978 1 446 96542 9

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади

Мундарижа

Кириш	1
11-модул: Самарали жамоа орқали стратегияни амалга ошириш	3
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	15
Дарс режаси	29
Мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	55

Кириш

Мазкур манбалар буклети Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профessional Диплом спецификациясини тўлдирувчи материалдир. Спецификация сизни нимани ўқитиш ва баҳолаш лозимлиги билан таништиради. Ушбу буклетда сиз юқоридаги вазифани қандай бажариш мумкинлиги тўғрисида таклиф ва ғояларни топасиз.

Буклет сизга дарс ўтиш ва таълим бериш борасида ғояларни тақдим этган ҳолда, ўз ичига, шу жумладан амалий дарслар, реалистик сценарийлар, иш берувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш йўллари ва мустақил таълимни бошқариш ҳамда баҳолаш услубларини олади. Буклет, шунингдек спецификацияда акс этган маълумот қай тарзда амалиётда ишлашини намоён этиб, сизни малака оширишнинг турли йўллариини излашга рухлантиради.

Мазкур манбалар буклети қуйидагиларни тақдим этади:

- модуларни қай тарзда квалификацияни ўқитишга кўмаклашиши тўғрисида қўлланма;
- модуларни квалификацияни ўқитишга ёрдам берувчи тавсия этилган манбалар;
- квалификация барча модуллариини қамраб олган мавзу, вазифа ва баҳоларни тушунтириб берувчи ишлар схемаси;
- модул бўйича қай тарзда дарсларни ўтиш тўғрисида батафсил қўлланмали Дарс режалари;
- барча квалификация модуллариини баҳолашни ўтказишда кўмаклашувчи Мустақил топшириқ йўриқномалари.

Мазкур манбалар буклетидаги маълумот квалификацияни тузиш билан яқин боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан йиғилганлиги сабаб, улар BTEC малака ошириши ўқитилишининг янги ва қизиқарли услубларини излаш билан боғлиқ муаммоларни яхши тушунишади.

Буклетда келтирилган Ўқитишга доир қўлланмасида, квалификация бўйича таълимни режалаштиришда нималарни эътибордан четда қолдирмаслик тўғрисида маълумот мавжуд. Қуйидагилар ҳақида маълумотлар мавжуд:

- сизнинг квалификация курсингиз таркиби;
- қандай қилиб ўз ўқувчиларингиз учун квалификацияни тузиб олишингиз;
- қандай қилиб сиз иш берувчилар билан алоқага чиқишингиз мумкинлиги тўғрисида таклифлар;
- бошқа ёрдамчи ва мақбул манбалар.

Биз сизга индивидуал қўлланма бердик. Ушбу қўлланма ўз ичига ўқув мақсадларига қай тарзда ёндашиш кераклиги борасида таклифларни, шунингдек дарсларни қизиқарли ва ранг-баранг тарзда ўтишга доир ғояларни олади. Шу билан биргаликда, сиз ўз вазифаларингизни қай тарзда режалаштириш тўғрисида маслаҳат ва ғояларни топасиз.

Ҳар бир модул учун биз синчиклаб танланган манбаларни қўшдик. Ресурслар рўйхати сиз ўз ўқувчиларингизга тавсия этишингиз ва/ёки ўқитишда ишлатишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеоларни ўз ичига олади.

11-модул: Самарали жамоа орқали стратегияни амалга ошириш


Ўқув қўлланма

Модул билан танишиш

Ушбу модулнинг мақсади – ўқувчининг мувозанатлашган, самарали ва унумдор жамоа қуриш қобилияти негизидаги тегишли назариялар, концепциялар ва моделлар билан ўзаро муносабатда бўлиш орқали жамоанинг самарали ривожланишига эришиш концепциясини ўрганишдан иборат.

Ҳар қандай ташкилотнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан ташкилотнинг стратегик мақсадлари ва вазифаларига эришиш учун яратилган жамоанинг муваффақиятига боғлиқ. Бироқ, самарали жамоани яратиш ва қўллаб-қувватлаш кўплаб муаммолар, масалан, ёмон алоқа жамоа ичидаги низоларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар билан боғлиқ.

Ушбу модул учун ўқитишни қандай тартибга солиш лозимлигини кўрсатадиган юқори кўрсаткичга эришиш учун ўқитувчилар 1-расмни мазкур модулни тузишда кенг қамровли қўлланма сифатида кўриб чиқиши лозим.



1-расм: Самарали жамоаларни ривожлантиришга таъсирлар

Ушбу модул самарали жамоа яратиш учун уч жиҳатдан иборат. Ўқувчилар ташкилотнинг стратегик мақсадларига эришиши учун самарали бошқарув томонидан қўллаб-қувватланадиган жамоалар ва жамоавий ривожланиш тўғрисида концептуал тасаввурга эга бўладилар.

А ўқитиш мақсади жамоа ривожланишининг концептуал тушунчасига қаратилган, кейинги В ўқитиш мақсади жамоанинг ривожланишини қандай қўллаб-қувватлашга ва С ўқитиш мақсади самарали жамоани ривожлантиришда муваффақиятни бошқариш ва унга эришиш ролларига қаратилган.

Ўқувчиларнинг ҳар бир ўқитиш мақсади талабларга мос бўлиши учун мазкур модул бўйича ишнинг ўқитиш мақсадларини кетма-кетлигига мос тарзда амалга оширилиши жуда муҳим. Бундан ташқари, ўқувчилар амалга ошириш дастуридан фойдаланиши мумкин, унда мазкур модул ва 1-модул: «Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш» параллел тарзда амалга оширилади, чунки лидерлик – жамоани ривожлантиришда асосий омил ҳисобланади. В ўқитиш мақсадида ўқувчилар лидерлик тушунчаларига эга бўлиши мумкин.

Ўқитиш ва таълим бериш ўқувчига у дарснинг ажралмас ва фаол қисми бўлиши учун йўналтирилган бўлиши лозим. Буни қўллаб-қувватлаш учун иш схемаси ва дарсларнинг режалари нафақат ўқитувчи томонидан ўтказиладиган тақдимотларга, балки тақдимотлар бирикмаси, жуфтликда бажариладиган машқлар ва синфдаги муҳокамаларга таянади. Бундай ёндашув ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга ёрдам беради ва шу тарзда ўқувчиларнинг ишончи, мулоқот кўникмалари ва самарали жамоада ишлаш қобилиятларини оширади.

Ўқувчиларни тегишли тадқиқотларда иштирок этишини рағбатлантиришдан ташқари, жуфтликларда ишлаётган ўқувчилар дарс мобайнида ва масалан, тегишли дарсликларни ўқиш орқали эгалланган билимлари асосида тақдимот билан маъруза қилиши лозим бўлади. Бу мулоқот кўникмалари ва жамоавий ишнинг ривожланишига ёрдам беради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 7-Даража ўқувчилари қизиқувчан ва тиришқоқ ўқувчи бўлиб, шунингдек, маълумотга эга ва ишончли стратегик менежер бўлиб етишиш учун чуқур ўқиш ва тадқиқотлар билан шуғулланиши лозим.

Шу сабабли ўқувчилар марказга бориши ёки жамоадаги иш кўникмалари ва тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватловчи маҳаллий манбалардан фойдаланиши муҳимдир. Иш схемаси ўқувчиларнинг билимларини ва кейинги дарсларга тайёрланишни мустаҳкамлаш учун дарсдан кейин тегишли адабиётни ўқишни талаб этади.

Ўқувчилар стратегик даражадаги ишга кира олиш имкониятига эга бўлиши лозим. Ушбу йўналишда – модулнинг муайян жиҳатида иш юритувчи, таклиф этилган спикерлар ўқитиш ва таълим бериш сифатини яхшилайдилар; масалан, лидер самарали жамоаларнинг ўз ташкилотларидаги стратегик мақсадлар ва вазифаларга қандай ёрдам бераётганлиги тўғрисида сўзлаган ҳолда. Ўқувчилар олдиндан спикерга унинг фаолияти тўғрисида саволлар тайёрлайдилар. Спикер маърузасида ўз ташкилотидаги тадқиқотлар ва муваффақиятли ишлари тўғрисида сўзлаб беради.

Ушбу модул учун ўқитиш ва таълим бериш мантиқий ва тизимли бўлиши, синфдаги ўзаро муносабатларни қўллаб-қувватлаши ва ўқувчиларни мустақил ўрганиш ёрдамида расмий шароитларда тақдим этилган концепциялар, назариялар ва моделларни ўрганишни, зарур адабиётларни тадқиқ этишни ва ўқишларини рағбатлантириш лозим.

Баҳолаш модели

1-жадвалда ҳар бир ўқитиш мақсади учун мазмуннинг асосий соҳаларининг шарҳи тақдим этилган. Мазкур модул учун битта баҳо қўйилади.

Баҳо олиш учун ўқувчиларга топшириқ берилган бўлиб, унда самарасиз жамоалар билан боғлиқ муаммони топиш зарур. Ўқувчилар эндигина тайинланган катта раҳбар ролида топшириқнинг ечимини бажарадилар.

Ўқувчилар барча мезонларнинг ва шу орқали барча ўқитиш мақсадларининг ўқитишда муваффақиятли якунга эришишда баҳо олиш учун бажарилган бўлиши кераклигини тушуниши жуда муҳим.

Ўқитиш мақсади	Мундарижанинг асосий соҳалари	Баҳолашга тавсия этилган ёндашув
A Омадли жамоалар концепсияларини тушуниш	A1 Муваффақиятли жамоалар хусусиятлари A2 Индивидуал ва жамоа роллари A3 Назариялар, тушунчалар ва моделлар	Юқори раҳбарият жамоасига ташкилотда самарали жамоани қандай яратиш тўғрисида тавсиялар берувчи ахборот, яхши ишлаб чиқилган ҳисоботни тайёрлаш.
B Жамоа ривожланишини қандай қўллаб-қувватлашни тушуниш	B1 Жамоани ривожлантириш босқичлари B2 Мотивация B3 Коммуникация B4 Низоларни бошқариш	
C Самарадорликни бошқариш қандай қилиб жамоа ривожланишини қўллаб-қувватлашини тушуниш	C1 Унумдорлик мониторинги C2 Индивидуал ишни такомиллаштириш	

1-жадвал: Ўқитиш мақсадлари бўйича баҳолар шарҳи

Баҳолаш бўйича қўлланма

Ўқувчилар баҳолаш мезонлари ва ўқитиш мақсадларига эришишни хоҳлаган тақдирда, ушбу қўлланмада баҳолаш топшириғига киритиши керак бўлган жиҳатлар тушунтирилган.

А дан С гача бўлагн ўқитиш мақсадлари

Ҳисобот, унинг тавсиялари тўлиқ қўллаб-қувватланган ва асосланган тарзда тайёрланган бўлиши лозим. Ушбу асоснинг бир қисми муаллиф (ўқувчи)нинг ташкилотдаги самарали жамоаларга бўлган асосий талабларни қандай тушунаётганлигини намойиш этишдан иборат бўлади. Баҳолаш ўқувчиларнинг муваффақиятли жамоа билан боғлиқ хусусиятларни тушунишни намойиш этишни талаб этади. Самарали жамоани яратишда ёрдам берадиган воситаларни ҳамда самарали жамоани ривожлантиришда ёрдам берадиган назариялар, концепциялар ва моделларни билиш ва улардан фойдаланиш – самарали жамоанинг ривожланиши негизида бўлади.

Янги эгалланган билимлар концепциялар, назариялар ва моделлар ўртасидаги ўзаро алоқани ўрнатиш, танқидий таҳлил қилиш ва баҳолаш учун қўлланилиши лозим. Ўқувчилар ўз ҳисоботларини тайёрлаш мобайнида назариялар, концепциялар ва моделлар ўртасидаги алоқани ўрнатиши муҳим.

Пировард натижада, ўқувчилар самарали жамоаларнинг асосини ташкил этадиган тушунчалар ва қандай қилиб самарали жамоалар яратилиши ва қўллаб-қувватланиши ҳамда жамоавий ишларни бошқариш ва жамоавий ишларни такомиллаштиришга таъсир қиладиган муносабатларни ривожлантириши ва ўрнатиши лозим.

Ҳисобот мутахассислар, раҳбарлардан ташкил топган мақсадли аудитория учун тайёрланган бўлиши лозим. Ҳисобот мутахассислар, раҳбарлар гуруҳи самарали жамоаларни яратиш учун мезонлар қандай бўлиши кераклиги тўғрисида асосли қарорлар қабул қила олиши учун тегишли асос ва тавсиялар билан мустаҳкамланган етарли маълумот ва далилларни ўз ичига олиши лозим.

Изоҳ:

Баҳолаш мезонлари ўқувчилардан танқидий бўлишни талаб этаётган тақдирда, бу исботланган бўлиши ва намойиш этилиши лозим. Ўқувчилар модулнинг мазмунини ва назариялар, концепциялар ҳамда моделларини онгли равишда тушунганлигига асосланган шахсий хулосаларга келиши лозим.

Модулнинг бошланиши

Қўлланмада ушбу модулда тавсия этилган режа мавжуд.

Модулнинг охирида баҳолашни тақдим этиш бўйича қўлланма

Ўқитувчи ушбу малакани ўқувчиларга ўқитиш вақтида, баъзи модулларнинг охирида турли баҳо қўйиш усуллари қўлланилаётганини сезиши мумкин. Баъзи модуллар баҳолашни ўқитиш дастури мобайнида киритишни таклиф этаётган бир вақтда, бошқалар баҳолашни ўқитиш дастури охирида киритишни таклиф этадилар.

Агар ўқитувчи модулни ўқитиш вақтида ўқувчиларнинг баҳоларига изоҳ бериш имкониятига эга бўлса, баҳони чиқариш учун (масалан, модулдаги ўнта дарсдан еттинчисида) дарслардан кейин вақт ажратиш таклиф этилади. Шу тарзда тавсиялар тақдим этиш, баҳолашга бўлган талабларни тушунтириш, шунингдек, модулни белгилаш ва ўқувчиларнинг ишларига, уларга муваффақиятга эришишида ёрдам бериш учун шарҳ бериш мумкин.

Бундан ташқари, сиз якуний дарсда баҳолашни тақдим этишингиз, ушбу модул учун дастур якунланиши билан модулни белгилашингиз ва фикр-мулоҳазаларни ташкиллаштиришингиз мумкин.

11-модул: Самарали жамоа орқали стратегияни амалга ошириш

Кириш

Ўқувчиларни модул тавсифида ва мазкур қўлланмада кўрсатилган манбалар ҳамда ўқувчиларнинг ўзлари томонидан аниқланган манбалар билан кенгроқ танишиб чиқишни рағбатлантириш лозим. Бу баҳолашнинг бир қисми ҳисобланадиган тавсияларни ўқувчилар тўлиқ асослаб бера олиши учун зарур.

Ўқувчилар SOW ва LP да кўрсатилганидек, асосий тушунчалар ва моделларни тушуниши керак бўлади. Улар моделнинг афзалликларини янада чуқурроқ тушунишни, контекстга/вазиятга мувофиқлигини ва заиф томонларини намоён этиш учун ушбу моделларни қўллашдан аввал танқидий таҳлил қилиш ва баҳолаш лозим бўлади.

Дарслар турли хил машқлар кўринишида ташкиллаштирилган. Эътибор беринг, синфдаги муҳокамалар вақтида ўқитувчи қуйидагиларни бажариши лозим:

- агар зарурат туғилса, саволлар ва жавоблардан фойдаланиб, барча ўқувчилар билан ўзаро муносабатларни қўллаб-қувватлаш;
- ўқувчининг асосий шарҳларини ёзув тахтасига ёзиш.
- Ўқитувчининг тақдимоти ва синфдаги муҳокама вақтида ўқувчилар қайдлар ёзиши лозим.

11-модул: Самарали жамоа орқали стратегияни амалга ошириш

Дастурнинг 1-дарси жамоанинг самарали ривожланиш модули ва концепциясини, шунингдек, асосий назариялар ва моделларни тақдим этиш учун қўлланилиши мумкин.

А ўқитиш мақсади: Омадли жамоалар концепцияларини тушуниш

Ушбу ўқитишнинг мақсади стратегик муҳитда самарали жамоаларни қуриш учун назариялар, концепциялар ва моделларни танқидий ўрганиш йўли билан самарали жамоаларнинг концептуал тушунчасини аниқлашдан иборат.

Биринчи дарсда ўқувчилар А1 ўқитиш мақсади ва мазмуни, ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот уйғунлиги воситасида кейинги ўринда 2-дарсда кўриб чиқиладиган, муваффақиятли жамоалар хусусиятлари, жуфтликда бажариладиган машқлар, гуруҳли фаолият ва синфдаги музокаралар билан танишадилар.

Ўқитишни мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга жамоалар ва ҳамкорликдаги иш тўғрисидаги иккита турли матнни ўқиб чиқиш таклиф этилади.

3-дарсда баён қилинган А2 мавзуси ўқитувчи бошчилигидаги тақдимотлар бирикмаси, жуфтликда бажариладиган машқлар ва синфдаги музокараларда акс эттирилади.

3-дарс мавзуси – Такман назариялари ҳамда Ли ва Мейнард жамоавий ривожланиш моделлари ёрдамида якка тартибдаги ва жамоавий роллар. Ўқувчилар жамоавий ишга қандай ижобий ҳисса қўшиши мумкинлигини тушуниши учун иккита ўз-ўзини баҳолашни ўтказиши лозим. Жуфтликлардаги муҳокамалар давомида ўқувчилар самарали жамоани ривожлантириш учун ҳар бир ўқувчи баҳоларининг аҳамиятини муҳокама қилишдан аввал ўз баҳолаш натижалари билан бўлишиши мумкин.

Ўқитишни мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга жамоанинг самарадорлигини таъминлаш учун ҳамжиҳат жамоани яратишнинг аҳамияти тўғрисидаги иккита турли матн ўқиб чиқиш таклиф этилади.

4-дарс ўқитиш ва таълим беришни якунлайди. Мазкур ўқитишнинг мақсади – муваффақиятли жамоани қандай қилиб яратишдир. А3 бўлимида жамоаларни ривожлантириш негизидаги назариялар, концепциялар ва моделлар кўриб чиқилади. Жамоаларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун моҳиятни муҳокама қилишдан аввал ушбу дарсдаги асосий эътибор, назариялар, концепциялар ва моделлар тўғрисидаги билимларни танқидий таҳлил қилишга қаратилади.

Ўқувчиларга кейинги дарсга тайёргарлик кўриш учун лидерлик ва лидерлик услублари тўғрисидаги иккита турли матнлардан битта боб ўқиш таклиф этилади.

11-модул: Самарали жамоа орқали стратегияни амалга ошириш**В ўқитиш мақсади: Жамоа ривожланишини қандай қўллаб-қувватлашни тушуниш.**

Мазкур ўқитиш мақсадида ўқувчилар самарали жамоаларнинг қандай ривожланаётганлигини ва жамоанинг самарали ривожланиши учун рағбатлантириш ва алоқа воситаларининг аҳамиятини кўриб чиқиш учун раҳбар ролини эгаллайдилар.

5-дарсда В1 мавзуси жамоани ривожлантириш босқичларига бағишланган. Ўқувчилар 4-дарсда муҳокама қилинган Такман, Ли ва Мейнард жамоавий ривожлантириш моделини муҳокама ва таҳлил қиладилар.

Ушбу моделларни танқидий тақдим этишга асосланган ҳолда ўқувчилар моделлар ўртасидаги ўзаро алоқани ва жамоани ривожлантиришнинг бошқа иккита жиҳатларини: тақсимлаш ва лидерликни тадқиқ этадилар.

Синф биргаликда тақдимот мазмунини ва уларнинг жамоани ривожлантириш моделлари ва жамоадаги лидерлик билан қанчалик яхши боғлиқ эканлигини муҳокама қилишидан аввал, ўқувчилар моделлар ва лидерлик ўртасидаги ўзаро алоқани тайёрлайдилар ва тақдим этадилар.

Навбатдаги дарсга тайёргарлик кўриш учун ўқувчиларга раҳбар ёки менежер уларга қандай туртки берганлиги ёки туртки бермаганлиги тўғрисида ўйлаб кўриш таклиф этилади.

Кейинги муҳокамалар ўқувчиларни концепциялар, назариялар ва моделларнинг танқидий таҳлиliga олиб келадиган бир вақтда, 6-дарснинг бошидаги рағбатлантиришга асосланган, синфдаги муҳокамадан кейин, тақдимотда асосий назариячиларнинг, хусусан, Маслоу ва Макгрегорларнинг асосий назариялари тақдим этилади.

Ушбу ўқитишни мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга «Самарадорлик ва муваффақиятни ривожлантириш учун жамоани қандай рағбатлантириш» мавзуси бўйича иккита турли матн ўқиб чиқиш таклиф этилади.

7-дарс коммуникацияга ва В3 мақсадли мавзусига қаратилган. Расмий ва норасмий алоқанинг асосий концепциялари тўғрисида билиш самарали мулоқот ва лидерлик мақсадларига эришишдаги тўсиқларни енгиб ўтиш усуллари бағишланган бир қатор тадбирлар ва мунозараларга олиб келади.

Ушбу ўқитишни мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга жамоанинг ичидаги ва ўртасидаги самарали алоқанинг аҳамияти тўғрисида иккита турли матн ўқиб чиқиш таклиф этилади.

11-модул: Самарали жамоа орқали стратегияни амалга ошириш

Ушбу ўқитиш мақсади учун 8-дарс – можароларни бошқаришга қаратилган В4 мавзусига бағишланган. Авваламбор, ўқувчилар можаро содир бўлган иш жойидаги вазиятни ўйлаши ва эслаши лозим. Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимотларда можароларни бошқаришнинг асосий концепциялари ва уларнинг услублари тақдим этилади, шунингдек, можароларни бошқариш бўйича муқобил сифатида можароларни олдини олиш имконияти кўриб чиқилади.

Ўқувчилар ўз тажрибаларида бўлган можароли вазиятларни эслаши, улар устида фикр юритиши ва қуйидаги саволларга жавоб бериши зарур: «Ушбу можароларнинг олдини олиш мумкин эдими? Агар бу муқаррар бўлса, можарони қандай бошқариш маъқул?».

Ушбу дарснинг якуний мавзуси – салбий ва ижобий можаро муаммоси. Ўқувчилар жамоада можароларни самарали бошқариш аҳамиятини, шунингдек, мазкур можаронинг муқаррарлиги ва унинг фойдали бўлиши мумкинлиги ҳақида саволларни кўриб чиқади.

Ўқувчиларга навбатдаги дарсга тайёргарлик кўриш доирасида унумдорликни бошқаришга тегишли иккита турли дарсликдан битта боб ўқиб чиқиши таклиф этилади.

С ўқитиш мақсади: Самарадорликни бошқариш қандай қилиб жамоа ривожланишини қўллаб-қувватлашини тушуниш

Ушбу ўқитиш мақсадининг мавзуси жамоани ривожлантириш ва унумдорликни бошқариш ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ.

9-дарсда (С1 мавзуси) ўқувчилар дарсдан аввал ўқиб чиққанларига таянадилар ва унумдорликни бошқариш ва у билан боғлиқ тизимларни ўрганадилар.

Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимотлар, синфдаги муҳокамалар ва жуфтликда бажариладиган машқлар бирикмаси орқали ўқувчилар мониторингнинг сифат ва миқдорий усуллари кўриб чиқади.

Ундан сўнг, ўқитувчининг якка тартибдаги ва жамоавий мақсадларни мониторингнинг назорат кўрсаткичлари сифатида қўллаган ҳолда, якка тартибдаги ва жамоавий унумдорликни қандай назорат қилиш тўғрисидаги тақдироти ўтказилади.

Ушбу ўқитишни мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга унумдорлик мониторинги тўғрисидаги иккита турли матнни ўқиб чиқиш таклиф этилади.

11-модул: Самарали жамоа орқали стратегияни амалга ошириш

Ушбу модул учун якуний дарс, 10-дарс, иккита мавзуни қамраб олади. Биринчидан, ўқитувчи бошчилигидаги тақдимотлар ва жуфтликда бажариладиган машқлар бирикмаси ёрдамида ўқувчилар якка тартибдаги унумдорлик учун тафовутларнинг таҳлили қандай қилиб бошланғич нуқта бўла олишини ўрганган ҳолда, якка тартибдаги унумдорликни қандай яхшилашни кўриб чиқадилар. Сўнг, ўқувчилар бўшлиқлар таҳлили ва самарадорликни ошириш стратегиялари (C2 мавзуси) ўртасидаги ўзаро алоқани кўриб чиқадилар.

Иккинчидан, ушбу модул учун дарс ва ўқитиш, ушбу модулдаги ўқитишнинг шарҳи ва баҳолашга бўлган талабларнинг муҳокамаси билан якунланади.

Бошқа ВТЕС модуллари ва малакаларига ҳаволалар

Мазкур модул қуйидагиларга ҳавола қилади:

- 1-модул: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш .

Ресурслар

Китоблар

Burow P – *The Neuroscience of Building High Performance Teams* Copernicus Publishing (2012), ISBN-13: 9780992513528

Dufrene D and Lehman C – *Building High-Performance Teams*, (4th Edition) South-Western, Division of Thomson Learning (2010), ISBN-13: 9780324782196

Leigh A and Maynard M – *Leading your Team* (2nd Edition) Issue (2013), ISBN-13:9781857883046

Loftesness D and Grosse A – *Scaling Teams*, O'Reilly Media (2017), ISBN-13: 9781491952276

Tuckman B – Developmental Sequence in Small Groups, *Group Facilitation: A Research and Applications Journal* 71-72, Spring 2001

Илмий-амалий журнал 71-72, Баҳор 2001 йил

Журналлар*Лидер учун Лидер* (Leader to Leader Institute)*Бугунги бошқарув* (Haymarket Business Media)*Ходимларни бошқариш* (Ходимлар ва ривожлантириш чартер институти)*Професионал менежер* (Малакали менежмент институти)*Стратегия ва лидерлик* (Emerald)**Веб-сайтлар**www.managers.org

Бошқарув чартер институти

www.iod.com

Директорлар институти

www.belbin.com

Belbin Associates

www.i-l-m.comЛидерлик ва Бошқарув
Институти

Pearson ҳар қандай ташқи интернет сайтларнинг мазмунига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан аввал, URL-манзилнинг ҳамон аниқ, ишончли ва ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчилар томонидан кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни танланган саҳифаларда сақлашни ва ўқувчиларга мактаб / университетнинг ички тармоғи орқали улардан фойдаланишга рухсат беришини маслаҳат берамиз.

Иш схемаси

Модул	11-модул: Самарали жамоа орқали стратегияни амалга ошириш
Ўқув соатлари	30
Дарслар сони	10
Дарслар давомийлиги	3 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	1-модул: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш

Ўқитиш учун калитлар			
ЁМТ	Ёзма мустақил топшириқ	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқитиш	ИТ	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Модулларнинг таркиби ва уларни баҳолаш. Жамоани ривожлантириш концепциясига кириш. Назария, концепция ва моделга кириш.		Кириш: Модулларнинг таркиби ва тавсифига кириш; баҳолаш мезонлари ва қўшимча манбалар. Ўқитувчи тақдимоти (1ТС): Тавсифлар: жамоа, жамоавий ривожланиш ва яқка тартибдаги ҳамда жамоавий ишнинг самарадорлигини ташкил этиш.	Модулнинг тавсифи Тақдимот слайдлари ва қайдлар Ёзув тахтаси ва ручкалар

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			• Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўзбекистонда фаолият юритувчи ташкилотларнинг стратегик мақсадларга мувофиқлиги билан жамоанинг самарали фаолияти роли ва аҳамияти. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар қуйидаги саволга жавоб берадилар: жамоаларнинг қандай яратилиши, ишлаши ва бошқарилиши ҳамда жамоа, жамоани ривожлантириш ва якка тартибдаги/жамоавий/ташкилий самарадорлик ўртасидаги алоқа қандай? • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Жуфтликда бажариладиган машқларга асосланган. • Ўқитувчи тақдироти (2ТС): Асосий тегишли назариялар, концепциялар ва моделларнинг, хусусан, гуруҳ раҳбарининг роли шарҳи. • Якун: Ўқитувчи ўқувчиларнинг билимини текширади ва кейинги дарс мавзусини эълон қилади. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар жамоа(лар)нинг нега самарали бўлганлиги ва нега самарали бўлмаганлигини аниқлаш учун жамоа(лар)да ишлаган вақтидаги вазиятларни эслаши лозим.	

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
2	A1 мавзуси Муваффақиятли жамоалар хусусиятлари		• Кириш: 1-дарс шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Уй вазифаси асосида – ўқувчилар жамоа(лар) нега самарали бўлганлиги ва нега самарали бўлмаганлигини аниқлаш учун жамоа(лар)да ишлаган вақтдаги вазиятлар тўғрисидаги фикрлар. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Синфдаги муҳокамалар асосида, ҳар бир ўқувчилар жуфтлиги масалани ўрганади – самарали жамоаларнинг хусусиятлари қандай ва нима учун ушбу хусусиятлар муҳим? • Гуруҳлардаги машқ: Гуруҳларда тўрттадан ишлаган ҳолда ўқувчилар синфнинг қолган қисмига ўз хулосаларини тақдим этишдан аввал битта саволга ўзларининг жуфтликдаги жавобларини муҳокама қиладилар. • Гуруҳлардаги машқ: Ўқувчиларнинг ҳар бир гуруҳи ўз фаолиятининг хулосаларини синфга тақдим этиши лозим. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ҳар бир ҳисоботда тақдим этилган хулосаларни кўриб чиқинг. • Ўқитувчи тақдимоти (ЗТС): Ушбу ўқитиш мақсади учун йўналтирилган мазмун асосида тақдимот жуфтликлардаги ва гуруҳлардаги машқларни тўлдиради.	Тақдимот слайдлари ва қайдлар Ёзув тахтаси ва ручкалар Флипчарт ва ручкалар

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			• Якун: Ўқитувчи ўқувчиларнинг билимини текширади ва кейинги дарс мавзусини эълон қилади. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар ўқитишни мустаҳкамлаш учун жамоадаги одамлар ва ҳамкорликдаги иш тўғрисидаги иккита турли матнлардан битта боб ўқиб чиқиши лозим.	
3	A2 мавзуси Индивидуал ва жамоа роллари .		• Кириш: 2-дарс шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Жамоалар ва жамоавий иш тўғрисидаги уй вазифаси асосида. • Ўқитувчи тақдимоти (4ТС): Белбиннинг жамоавий роллари. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар қуйидаги мавзу бўйича баҳолашни якунлайдилар: Белбиннинг жамоавий роллари. • Ўқитувчи тақдимоти (5ТС): Майерс Бриггс инвентаризацияси (МБТИ). • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар Майерс Бриггс инвентаризацияси мавзуси бўйича баҳолашни якунлайдилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Баҳолаш асосида.	Тақдимот слайдлари ва қайдлар Ёзув тахтаси ва ручкалар Флипчарт ва ручкалар Белбин бўйича жамоадаги роллар Баҳолаш шакли МБТИ баҳолаш шакли

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			• Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчиларнинг ҳар бир гуруҳи самарали жамоани яратишда баҳолардан фойдаланиш аҳамиятини ва ушбу баҳоларнинг ҳуқуқлар ва имкониятларни самарали ривожлантиришга ҳамда ваколатларни ажратишга қандай ёрдам бериши мумкинлигини муҳокама қиладилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Муҳокамаларга асосланган. • Якун: Ўқитувчи ўқувчиларнинг билимини текширади ва кейинги дарс мавзусини эълон қилади. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар жамоанинг самарадорлигини ўрганишни мустаҳкамлаш учун келишилган жамоанинг мавжуд бўлиши аҳамияти тўғрисидаги иккита турли матнлардан битта боб ўқиб чиқиши лозим.	
4	A3 мавзуси Назариялар, тушунчалар ва моделлар .		• Кириш: 3-дарс шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Самарали жамоани таъминлаш учун келишилган жамоани яратиш аҳамияти тўғрисидаги уй вазифаси асосида. • Ўқитувчи тақдимооти (6ТС): Такманнинг жамоани ривожлантириш модели ҳамда Ли ва Мейнарднинг жамоавий ривожланиш босқичлари модели. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Иккита моделнинг танқидий таҳлили.	3-дарс уй вазифаси: таклиф этилган жавоб Тақдимот слайдлари ва қайдлар Ёзув тахтаси ва ручкалар

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			• Ўқитувчи тақдимоти (7ТС): Ҳаракатларга йўналтирилган лидерлик концепциялари ва вазиятчи лидерлик. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Иккита концепциянинг танқидий таҳлили. • Ўқитувчи тақдимоти (8ТС): Транзакцион ва трансформацион лидерлик концепциялари. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Иккита концепциянинг танқидий таҳлили. • Ўқитувчи тақдимоти (9ТС): Жамоанинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун концепциялар ва моделлардан фойдаланиш аҳамияти. • Якун: Ўқитувчи ўқувчиларнинг билимини текширади ва кейинги дарс мавзусини эълон қилади. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар кейинги дарсга тайёргарлик кўриши учун лидерлик ва лидерлик услублари тўғрисидаги иккита турли матнлардан битта боб ўқиб чиқиши лозим.	
5	В1 мавзуси Жамоани ривожлантириш босқичлари .		• Кириш: 4-дарс шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Лидерлик ва лидерлик услублари тўғрисидаги уй вазифаси асосида.	4-дарс уй вазифаси: таклиф этилган жавоб Тақдимот слайдлари ва қайдлар Ёзув тахтаси ва ручкалар

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			• Ўқитувчи тақдимоти (10ТС): Такманнинг жамоани ривожлантириш модели ҳамда Ли ва Мейнард жамоаларни ривожлантириш босқичлари модели ўртасидаги ўзаро алоқа. • Ўқитувчи тақдимоти (11ТС): Такман, Ли ва Мейнард моделлари ҳамда ҳуқуқ ва имкониятларни ажратиш/кенгайтириш ўртасидаги ўзаро алоқа. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар Такман модели, Ли ва Мейнард босқичлари ҳамда лидерлик услублари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрганадилар. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчиларнинг ҳар бир жуфтлиги ўз фаолиятлари натижаларини синфга тақдим этиши лозим. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Тақдимотлар асосида. • Якун: Ўқитувчи ўқувчиларнинг билимини текширади ва кейинги дарс мавзусини эълон қилади. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар кейинги дарсга тайёрланаётганда лидерлик ва лидерлик услублари тўғрисидаги иккита турли матнлардан битта боб ўқиб чиқиши лозим.	

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
6	В2 мавзуси Мотивация		• Кириш: 5-дарс шарҳи • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчиларнинг раҳбар/ лидер/ менежер томонидан қандай рағбатлантирилгани ёки рағбатлантирилмаганлиги тўғрисидаги уй вазифаси асосида. • Ўқитувчи тақдимоти (12ТС): Маслоу эҳтиёжларининг иерархия назарияси ва икки омилли Герцберг назарияси. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Иккита назариянинг танқидий таҳлили. • Ўқитувчи тақдимоти (13ТС): Кутиш назарияси ва Адолат назарияси. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Иккита назариянинг танқидий таҳлили. • Ўқитувчи тақдимоти (14ТС): Макгрегорнинг Х/Ҳ назарияси ва Алдерфернинг ЭСР назарияси. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Иккита назариянинг танқидий таҳлили. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Жамоанинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун рағбатлантирувчи назариялардан фойдаланиш аҳамияти.	Тақдимот слайдлари ва қайдлар Ёзув тахтаси ва ручкалар

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			• Якун: Ўқитувчи ўқувчиларнинг билимини текширади ва кейинги дарс мавзусини эълон қилади. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар ўқитишни мустаҳкамлаш учун жамоанинг муваффақиятида жамоани рағбатлантиришнинг муҳимлиги тўғрисидаги иккита турли матнлардан битта боб ўқиб чиқиши лозим.	
7	В3 мавзуси Коммуникация		• Кириш: 6-дарс шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Жамоанинг муваффақияти учун жамоани рағбатлантиришнинг муҳимлиги тўғрисида уй вазифаси асосида. • Ўқитувчи тақдимоти (15ТС): Алоқа модели ҳамда расмий ва норасмий мулоқот. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Лидерлик услублари ва алоқалар ўртасидаги ўзаро алоқани муҳокама қилинг. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчиларнинг ҳар бир жуфтлиги ўз фаолияти натижаларини синфга тақдим этиши лозим. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Тақдимотлар асосида. • Ўқитувчи тақдимоти (16ТС): Жамоалардаги самарали алоқалар учун тўсиқлар.	6-дарс уй вазифаси: таклиф этилган жавоб Тақдимот слайдлари ва қайдлар Ёзув тахтаси ва ручкалар

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			• Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар қуйидаги саволга жавоб бериши лозим: Лидерлар жамоаларда самарали мулоқот мақсадида тўсиқларни енгиб ўтиш учун қандай усуллардан фойдаланадилар? • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Жуфтликда бажариладиган машқлар асосида. • Ўқитувчи тақдироти (18ТС): Гуруҳ ичидаги муносабатларнинг алоқага таъсири. • Якун: Ўқитувчи ўқувчиларнинг билимини текширади ва кейинги дарс мавзусини эълон қилади. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар ўқитишни мустақамлаш учун жамоалар ичидаги ва ўртасидаги самарали мулоқотнинг жамоа муваффақияти учун муҳимлиги тўғрисида иккита турли матнлардан битта бобни ўқиб чиқиши лозим.	
8	В4 мавзуси Низоларни бошқариш		• Кириш: 7-дарс шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Жамоанинг муваффақияти учун жамоалар ичидаги ва ўртасидаги самарали мулоқотларнинг муҳимлиги тўғрисида уй вазифаси асосида. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчиларнинг жамоадаги иш вақтида можароли вазиятлар бўйича тажрибаси асосида, бунда асосий эътибор можаро сабабларига қаратилади.	7-дарс уй вазифаси: таклиф этилган жавоб Тақдирот слайдлари ва қайдлар Ёзув тахтаси ва ручкалар

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			• Ўқитувчи тақдимоти (ТС18): Низоларни бошқариш услублари ва стратегиялари. • Ўқитувчи тақдимоти (ТС19): Можаролардан йироқ бўлиш ва можароларни бошқариш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Жамоадаги можароли вазиятлар бўйича иш тажрибасига асосланиб, қуйидаги саволларга жавоб беринг: ○ Ушбу вазиятларнинг олдини олиш мумкин эдими ва қай тарзда? ○ Агар уларни олдини олиб бўлмаса, уларни қандай бошқариш мумкин эди? • Ўқитувчи тақдимоти (ТС20): Ижобий ва салбий можаро. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Можароларни самарали бошқариш жамоаси учун қадриятлар асосида. • Якун: Ўқитувчи ўқувчиларнинг билимини текширади ва кейинги дарс мавзусини эълон қилади.	

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Манбалар
